

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ

А Ж Р И М И

(даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида)

Юқоричирчиқ тумани 2023 йил 22 июнь

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси З.Эшмирзаев раислигида, судья ёрдамчиси Б.Насировнинг котиблигида, аризачи вакили Р.Юсупов (2023 йил 25 январдаги 21-03254-сонли ишончнома билан) иштирокида, аризачи Паркент туман солиқ инспекциясининг жавобгар “JASUR MIRALAMOV” ХКнинг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни Паркент туман солиқ инспекциясининг маъмурий биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Аризада баён этилишича, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган “JASUR MIRALAMOV” ХК 2023 йил март ойи учун айланмадан олинган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига (бундан буён матнда солиқ ҳисоботи деб юритилади) тақдим қилмаган.

Шунга кўра, аризачи Паркент тумани солиқ инспекцияси Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “JASUR MIRALAMOV” ХКнинг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили иштирок этиб, жавобгар томонидан аризада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлигини маълум қилиб, ариза талабларини қўллаб-қувватлаб, суддан уни қаноатлантириб беришни сўради.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи кўрсатилган ажрими жавобгарга электрон тарзда юборилган бўлсада, бироқ жавобгар бугунги суд мажлисида вакили иштирокини



таъминламади. Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128, 220-моддаларига асосан ишни унинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди.

Суд аризадаги важларини ўрганиб, ишдаги ҳужжатларни муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Аниқланишича, Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судининг иш юритувида аризачи Паркент туман солиқ инспекциясининг жавобгар “JASUR MIRALAMOV” ХКга нисбатан 2023 йил март ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим қилмаганлиги сабабли банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган 4-1105-2302/1391-

сонли иқтисодий иш мавжуд.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, суд даъво аризани кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Шунга кўра, суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддаси биринчи қисмининг 7-бандида суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган. Шунингдек, ариза электрон тарзда тақдим этилганда почта харажати тўлаш назарда тутилмаган.

Демак, иш бўйича давлат божи ва почта харажати ундирилмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107, 118, 128, 220, 195-196-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :



Аризачи Паркент туман солиқ инспекциясининг жавобгар “JASUR MIRALAMOV” ХКнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибида шикоят қилиниши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья
З.Эшмирзаев

